



THE SIGNIFICANCE OF THE PROSECUTOR'S PARTICIPATION IN CIVIL PROCEEDINGS

Barno Akbutaevna Umarova

Candidate of legal sciences, independent researcher

Head of department of the General prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: civil proceedings, prosecutor's participation, prosecutorial supervision, rule of law, protection of rights and freedoms, prosecutor's office, judicial acts, New Uzbekistan, judicial reforms.

Received: 07.09.25

Accepted: 08.09.25

Published: 09.09.25

Abstract: The article analyzes the significance of the prosecutor's participation in civil proceedings, its legal foundations, and practical aspects. Based on the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Law "On the Prosecutor's Office," and other normative acts, the functions and powers of the prosecutor are disclosed. The essence of prosecutorial supervision, scholarly perspectives, and its role in judicial practice are also highlighted. Using examples and statistical data, the article demonstrates the role of the prosecutor's participation in civil cases in ensuring the rule of law, protecting rights and freedoms, and safeguarding the interests of society and the state. In conclusion, proposals are made to improve the efficiency of prosecutorial activities and to expand the prosecutor's powers in certain areas (ecology, environmental protection, property disputes).

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОР ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ

Барно Акбутаевна Умарова

ю.ф.н., мустақил изланувчи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Фуқаролик процесс, прокурор иштироки, прокурор назорати, қонун устуворлиги, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳимояси, прокуратура органлари, суд

Аннотация: Мақолада фуқаролик процессларида прокурор иштирокининг аҳамияти, унинг ҳуқуқий асослари ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси,

хужжатлари, Янги Ўзбекистон, суд “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва ислохотлари. бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида прокурорнинг вазифа ва ваколатлари очиқ берилган. Шунингдек, прокурор назоратининг мазмун-моҳияти, илмий-назарий қарашлар ва суд амалиётидаги ўрни ёритилган. Фуқаролик ишларида прокурор иштирокининг қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, жамият ҳамда давлат манфаатларини кафолатлашдаги роли мисоллар ва статистик маълумотлар асосида кўрсатилган. Мақола якунида прокуратура фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва айрим соҳаларда (экология, атроф-муҳит муҳофазаси, мулкӣ низолар) прокурор ваколатларини кенгайтириш бўйича таклифлар берилган.

ЗНАЧЕНИЕ УЧАСТИЯ ПРОКУРОРА В ГРАЖДАНСКОМ ПРОЦЕССЕ

Барно Акбутаевна Умарова

Кандидат юридических наук, независимый исследователь

Начальник управления Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: гражданский процесс, участие прокурора, прокурорский надзор, верховенство закона, защита прав и свобод, органы прокуратуры, судебные акты, Новый Узбекистан, судебные реформы.

Аннотация: В статье анализируется значение участия прокурора в гражданском процессе, его правовые основы и практические аспекты. На основе Конституции Республики Узбекистан, Закона «О прокуратуре» и других нормативных актов раскрыты задачи и полномочия прокурора. Также освещены содержание прокурорского надзора, научно-теоретические взгляды и его место в судебной практике. На примерах и статистических данных показана роль участия прокурора в гражданских делах в обеспечении верховенства закона, защите прав и свобод, а также в гарантировании интересов общества и государства. В заключение статьи предложены меры по повышению эффективности деятельности прокуратуры и расширению полномочий прокурора в отдельных сферах (экология, охрана окружающей среды, имущественные споры).

Кириш. Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар мамлакат тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди.

Суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида прокуратура органлари фаолияти, вазифалари, ваколатлари ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, шунингдек прокурорларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади” [1] деб қатъий белгиланган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” [2] номли асарида “Қонун устувор, жазо муқаррар” тамойили прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши, бунинг учун мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очик ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асослари яралиши лозим деган эди.

Эндиликда Янги Ўзбекистонда мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим шакллантирилиб, “инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, кадрлари – энг муҳим кадрлар” деган тамойил эътироф этилмоқда. “Тараққиёт стратегиясида йиллар давомида амал қилиб келган “давлат – жамият – инсон” тамойили “инсон – жамият – давлат” [3] тамойилига ўзгартирилди.

Шундай экан, қонунийликни қатъий таъминловчи, очик ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг мақсад ва вазифаларини чуқур тадқиқ қилиш, назарий ва амалий муаммоларни ўрганиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш эътиборли масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида” Қонунининг 2-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат” [4].

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурорнинг иштирок этиши ҳамда қонунларга хилоф бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йуналишларидан ҳисобланади[4] (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси). Прокурорнинг фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиши ҳамда қонунларга қарама-қарши бўлган суд ҳужжатларига протест келтириши прокурор назорати фаолиятининг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Юридик адабиётларда прокурор назоратига нисбатан берилган таърифларда ҳам фуқаролик процессида прокурор иштирокининг асосий вазифаларини тушуниш қийин эмас.

Адабиётлар таҳлили. Масалан, Е.В.Коленконинг фикрича, “...прокуратура назорати прокуратура фаолиятининг асосий йуналишларидан бири бўлиб, прокурор назорати орқали турли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, агар асослар мавжуд бўлса, айбдор жисмоний ва юридик шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласи кўрилади”[5].

М.Х.Рустамбаев “...прокурор назорати деганда, давлат номидан махсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан қонун бузилиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф қилиш, айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолият тушунилишини таъкидлайди”[6].

Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, “прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Прокурор давлат номидан назоратни амалга оширади. Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда”[7].

Ф.Х.Рахимовнинг фикрича, “Ўзбекистонда прокурор назорати – Ўзбекистон Республикаси номидан давлат фаолиятини амалга оширувчи прокуратура органларининг ўзига хос фаолият туридир”[8].

Прокуратура – давлат органи бўлиб, унинг асосий вазифаси мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ҳисобланади. Прокуратура органлари фаолияти ва кучи қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги, бир хилда қўлланилишини таъминлаш ҳамда мамлакатимиз Конституциясида олий қадрият сифатида эълон қилинган фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуни қабул қилинди ва унга прокурор ваколатига аниқлик киритадиган бир

қанча ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, қонун билан белгиланган прокурорлик назорати объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилди. Бинобарин, демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётганлиги прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланиши таъкидланди. Шунингдек, ушбу Қонунга кўра, прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган амрнома киритиш ваколатига барҳам берилди. Мазкур Қонуннинг 37-моддасига кўра протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув прокурор назорати ҳужжатлари сифатида белгиланди. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари борасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади. Зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилади. (Қонуннинг 5-моддаси саккизинчи қисми).

Янги таҳрирдаги Қонунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилиниши илк бор мустақамлаб қўйилди (Қонуннинг 13-моддаси тўртинчи қисми). Бу эса Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан чиқариладиган буйруқ ва бошқа ҳужжатларнинг қонунийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этиши ва судда қувватлаши назарда тутилган[4].

Суд ҳуқуқ ислоҳотларини янги босқичда жадал амалга ошириш, мамлакат салоҳиятини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни бажариш мақсадида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунни янада такомиллаштириш тақозо этилди. Шу муносабат билан мазкур Қонун 2017 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 446-сонли қонуни асосида такомиллаштирилиб, Қонуннинг 5-моддаси янги тўққизинчи қисм билан тўлдирилди. Унга кўра, прокуратура органлари фаолиятини

ошкора амалга оширишни қонун доирасида таъминлаб, қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиши, шунингдек прокуратура фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш талаб этилди[10].

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Прокуратура зиммасига юклатилган мазкур вазифалар улар фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлмиш судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш орқали ҳам амалга ошириб келинмоқда. Судларда фуқаролик ишларини кўришда прокурор иштирокининг муҳимлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 17 ноябрдаги “Судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 124-сонли буйруғида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида асосий вазифалари – қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришишдан ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Фуқаролик суд ишларини юритиш билан боғлиқ бўлган қонунларнинг бажарилиши юзасидан прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида прокурор судларнинг мустақиллиги ва фақатгина қонунга бўйсунмиш тамойилига қатъий риоя этиб, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан одил судловни амалга оширишга кўмаклашади.

Илмий юридик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асоси прокурор зиммасига қонун билан юклатилган мақсад ва вазифалардан, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш муддаосидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокининг асосини унинг функцияси ташкил этади, деган фикрни илгари суради[11].

Таҳлил ва натижалар. Жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатлар ривожлангани сари фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган мурожаатлар сони ортиб, суд тартибида ҳал қилинишига муҳтож бўлган турли, янги ва бирмунча мураккаб ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишлари кўпайиб бораётганлиги, натижада фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг иш ҳажми кўпайиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини тўғри ва ўз вақтида, самарали ҳимоя қилиш заруратининг юзага келаётганлиги фуқаролик процессида прокурор иштирокининг долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Сўнгги беш йил ичида республика миқёсида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилган фуқаролик ишлари таҳлил қилинганда бу кўрсаткич йилдан йилга ошиб борганлигини кўриш мумкин. Чунончи, 2019 йил мобайнида кўриб тамомланган ишлар сони 276 937 тани, 2020 йилда 291 132 тани, 2021 йилда 518 087 тани, 2022 йилда 863 883 тани ва 2023 йилда 943 925 тани[12] ташкил этиб, фуқаролар ўртасида мулкӣ ва номулкӣ низолар йилдан йилга кескин кўпайиб борганлигини кўрсатади. Шунинг баробарида прокурор иштироки мажбурий бўлган ишлар сонида ҳам кескин ўсиш мавжуд. 2019 йилда прокурор иштироки мажбурий тоифалар 25 107 тани ташкил этган бўлса, уларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган. Бу кўрсаткич 2020 йилда 26 480 тани, 2021 йилда 9 889 тани, 2022 йилда 12192 тани ҳамда 2023 йилда 11 681 тани ташкил қилган[13].

Мазкур кўрсаткичларнинг йилдан йилга ошиб бораётганлиги таҳлил қилинганда, биринчидан аҳоли сонининг ошиб бораётганлиги, иккинчидан фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти юксалганлиги, учинчидан бир қатор янги турдаги ҳуқуқий муносабатлар (жумладан, субсидиага ажратилган уйлар, бошланғич тўловидан кейинги кредитга расмийлаштирилган турар жойлар, микроқарзлар, тадбиркорликни ривожлантириш учун берилган имтиёзли кредитлар ва бошқ.) нинг пайдо бўлганлигидир.

Аҳоли сони ошганлиги таҳлил қилинганда эса, 2020 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолиси сони 33 905 800 кишидан иборат бўлган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига 34 558 900 кишини, 2022 йил 1 январь ҳолатига 35 271 346 кишини, 2023 йил 1 январь ҳолатига 36 024 946 кишини ҳамда 2024 йил 1 январь ҳолатига эса, 36 799 756 киши истиқомат қилмоқда[14].

Тўғри, прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган моддий ва процессуал қонунларни аниқ ва бир хилда тадбиқ этилиши юзасидан тегишли давлат доирасидаги ишларни олиб бориш каби муҳим функцияни бажариши қонунда белгиланган.

Шунингдек, прокурорнинг фуқаролик суд ишлари юритилишидаги ваколатлари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат, жамоат ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурорнинг қатнашишини зарур деб топган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруғида белгиланган ҳолларда барча суд инстанцияларида прокурор ваколатини самарали таъминлаш, прокурор иштирокисиз кўрилган ишлар юзасидан суд қарорларининг қонунийлигини апелляция муддатида ўрганиб, ноқонуний суд қарорларини шу босқичда қонунга мувофиқлаштириш чораларини кўриш, қонуний кучга кирган суд қарорларининг қонунийлигини аризаларга асосан ўрганиш ва аниқланган қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилиши белгиланган.

Лекин, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга оширишда асосан,

- чўкиб кетган кемалар ва уларнинг бўлаклари сувни ифлослантириши, сув ҳавзаларининг табиий таркибий қисмларига салбий таъсир қилишини ҳамда фуқароларнинг атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқларини хавф остига қўйишини олдини олиш мақсадида денгиз, сув ҳавзалари ва дарёларда чўкиб кетган кемалар ва уларнинг бўлақларини кўтариш ва йўқ қилишни назорат қилиш;

- эгасиз кемаларни аниқлаш ва уларни эгасиз деб топиш тўғрисида судларга даъво аризалар киритилиши устидан назорат олиб бориш;

- денгиз, дарёларга ва сув ҳавзаларига сизиб чиқувчи чиқиндиларни аниқлаш, чора кўриш ва олдини олиниши устидан назоратни амалга ошириш;

- денгиз, дарёларга ва сув ҳавзаларига сизиб чиқувчи чиқиндиларни йўқ қилишни ташкил этиш мажбуриятини юклаш тўғрисида судларга даъво аризалар киритилиши устидан назорат олиб бориш;

- денгиз, дарёларга ва сув ҳавзаларига сизиб чиқувчи чиқиндилар оқибатида табиатга ва атроф-муҳитга етказилган зарарларни аниқлаш, аниқланган зарарларни ихтиёрий ундирилишига эътибор қаратиш;

- ҳудудий прокурорлар томонидан етказилган зарарларни ундириш ҳақида судларга даъво аризалар киритилишини назорат қилиш;

- қўйи турувчи прокуратураларнинг назорат идоралари томонидан тақдим этилган материаллар юзасидан ҳуқуқбузарларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилишини назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-хисоб маълумотлар бош маркази билан ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар интеграциясини йўлга қўйиш;

- саноатда, аграр соҳада ишлаб чиқариш ва хўжалик юриштишнинг ҳар қандай босқичларида атмосферага чиқариладиган газлар, чиқинди ва ташланма (турли хил хидлар, чанг, бирикмалар ва ҳоказо)лар миқдори ва меъёрларини назорат қилувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш;

- дарахтларни кесилишига эълон қилинган мораторий ва “яшил макон” дастурларини аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказилишига сарфланаётган маблағларнинг қонунийлигини жойларда мунтазам ўрганиб борилиши устидан назоратни таъминлаш каби ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса. Прокурорнинг фуқаролик суд ишларида иштирок этиши одил судловни таъминлаш, қонунларнинг тўғри ва бир хилда қўлланилиши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва хусусий мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ижросини таъминлашда прокурорнинг ваколатларини янада такомиллаштириш зарур. Жумладан, сув ҳавзалари ва дарёларда чўкиб кетган кемалар ва чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини олдини олиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, табиатга етказилган зарарларни ундириш, дарахтларни кесишга қаратилган мораторий ва “яшил макон” дастурлари ижросини самарали назорат қилиш каби йўналишларда прокурор назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа, прокурорнинг фуқаролик суд ишларидаги иштироки нафақат одил судловни таъминлайди, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим кафолат ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. “Ўзбекистон”. 2023й. 117 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60 сонли Фармони.//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. 29.01.2022й., 06/22/60/0082-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60 сонли Фармони.//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.29.01.2022й. ,06/22/60/0082-сон.

4. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001й.9-10-сон., -41 б.

5. Коленко Е.В. Деятельности прокуратури Республики Узбекистан в сфере противодействия коррупции // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси, № 1 (49) 2022 (Махсус сон). – 23 б.

6. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва прокуратура. Масъул мухаррир:ю.ф.д. профессор А.Х.Саидов.-Т.ТДЮИ, 2005 й. 8-б.

7. Пулатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, 2017й. №4 (32).-27-28 б.

8. Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий амалий мақолалар тўплами // ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий тахрири остида.-Т.Ношир. 2008. 87-94 б.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 й.9-10-сон.41-б.

10. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги УРК-446-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон; 07.02.2019й., 03/19/518/2589-сон.

11. Иванов С.А. Защита прокурором прав и законних интересов граждан в российском гражданском судопроизводстве: Автореферат. дисс. канд. юрид. наук. -М., 2009. 18-с.

12. www.sud.uz сайти. 2023 йил яқунлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил яқунлари бўйича амалдаги ҳисоботларидан.

14. /<https://www.gazeta.uz/ru/2021/01/16/population/>; //<https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/10840-0-zbekiston-respublikasida-30-yilda-doimiy-aholisi-soni-ganchaga-osdi-3/>; //<https://www.aa.gov/tr/ru/мир/население-узбекистана-превысило-36млн.человек/>; / //<https://stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-goskomstata/33527-o-zbekistonda-shahar-hududida-doimiy-aholi-soni-ko-p-2/> ; //<https://stat.uz/uz/matbuot-markazi/gomita-yangilirlar/49285-o-zbe-kistonda-doimiy-aholi-soni-har-kuni-o-rtacha-2-1-ming-kishiga-oshmogda-2//>.